**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 418
«14» 08 2020 йил

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ўзбекистон Миллий университети;

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202_ йил «14» ____08____ даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202_ йил «14» ____08____ даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 210 000 – Социология ва психология таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


Т/р | бет

1. *5210203 – Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .......... 4

1.1. Қўлланиш соҳаси .......... 4

1.1.1. *5210203 - Психология (амалий психология)* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши .......... 4

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари .......... 4

1.2. *5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .......... 4

1.2.1. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари .......... 4

1.2.2. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари .......... 5

1.2.3. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари .......... 5

1.2.4. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари .......... 5

2. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .......... 8

2.1. Умумий компетенциялар .......... 8

2.2. Касбий компетенциялар .......... 8

3. *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .......... 9

3.1. *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар .......... 9

3.2. *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .......... 10

Библиографик маълумотлар .......... 11

## 1. *5210203-Психология (амалий психология) )* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5210203-Психология (амалий психология)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5210203-Психология (амалий психология)*** – социология ва психология соҳасидаги йўналиш бўлиб, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат ва нодавлат муассасаларида; оммавий ахборот воситалари, давлат ва маҳаллий бошқаруви органлари, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотларида; хусусий психологик хизмат кўрсатиш марказларида психологик ёрдам кўрсатиш; Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази психодиагностик тадбирлар уюштириш; ўзини ўзи бошқариш органлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда; реабилитация марказларида, спорт жамоаларида психологик хизмат кўрсатиш; Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий бўлимларда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва*

*ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.2. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– корхона, ташкилот ва муассасаларда психологик ёрда кўрсатиш; таълим муҳитида психологик тадбирларни ташкил этиш ва уни амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари, ўқувчилари ҳамда ходимлари, реабилитация ва психологик хизмат марказларида психолог;

– Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик республика ташхис маркази ва унинг ҳудудий бўлимларида психолог, методист;

– Мудофаа вазирлиги, ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги ташкилотларда психолог;

– Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда психолог-мутахассис;

– Республикадаги ихтисослаштирилган реабилитация ва психопрофилактика марказларида психолог-мутахассис;

– психология соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;

– хусусий психологик хизмат кўрсатиш марказларида психолог;

– психологик жараёнлар ва ҳодисаларни, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ва кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари;

– аҳолига психологик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш; ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларда психологик ёрдам кўрсатиш;

– кадрларни танлаш ва улар фаолиятини психологик ташкил этиш; психодиагностик, психологик маслаҳат, психокоррекцион, психопрофлактик, психологик маърифат тадбирлари ва психология ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.3. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- *илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *ташкилий-бошқарув фаолияти;*
- *маънавий-маъриифий фаолияти;*
- *лойиҳавий фаолияти;*
- *педагогик фаолияти (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);*
- *турли хизматлар кўрсатиш фаолияти.*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. *5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг

соҳалари, объектлари ва турларига мувофик бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Илмий-тадқиқот фаолиятида**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда психологик мавзуларга оид тадқиқотларда иширок этиши;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– психологияга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет-эл илмий тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар, ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

– илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;

– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш;

– илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;

– илмий-амалий журналларга мақолалар тайёрлаш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш; соҳа адабиётлари экспертизасини амалга ошириш;

– психология фани соҳасига доир илмий-тадқиқотлар бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибаларни уйгунлаштириш;

– маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;.

– илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида**

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– психологик тадқиқотлари ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларида психологик фаолиятини бошқариш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Маънавий-маърифий фаолиятида**

– ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг таклиф ва талаблари асосида психологик маърифат тадбирларини ташкил этиш;

– маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш ва кўрсатувларда психологик материаллар билан иштирок этиш ***қобилиятларига эгабўлиши лозим.***

**Лойиҳавий фаолиятда:**

– жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базаси яратиш;

– тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

– психологик кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

– фан соҳасидаги хорижий лойиҳаларда иштирок этиш;

– психология йўналишлари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Педагогик фаолиятида:**

– таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш;

– замонавий информацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;

– ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

– таълим соҳасида хорижий таълим тажрибаларини жорий этиши лозим;

– таълим муассасасида психологик хизматни ташкил этиш;

– таълим муассасасидаги муаммонинг ечишда психологик усуллардан фойдаланиш;

– ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчилар гуруҳларида психодиагностик, психопрофлактик, психокоррекциялаш ва психологик маърифат йўналишида тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

– ўқитувчи ва ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ривожлантириш бўйича маслаҳатлар бериш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– педагогик жамоадаги зиддиятлар, низоларни бартараф этиш ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш бўйича психологик тавсиялар ишлаб чиқиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Турли хизматлар кўрсатиш фаолиятида:**

– пуллик психологик хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– фуқаролар ичидан индивидуал психологик ёрдамга мухтож кишиларга пуллик хизмат кўрсатишни қобилиятига;

– шахснинг индивидуал фаолияти, оилавий ва шахслараро муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни психологик ҳал этиш кўникма ва маликаларига;

– болаларнинг шахсий камолоти билан боғлиқ муаммолар юзасидан психологик маслаҳатлар бериш қобилиятига;

– психологик ва социал-психологик тренинг курслари ишлаб чиқиш ва психологик ёрдамга мухтож инсонлар муаммоларини ечиш қобилиятига;

– бола, катта ёшдагилар ва ақлий тараққиёт ҳолатини аниқлашга зарурат сезган шахсларга психодиагностик ва психологик маслаҳат ёрдам кўрсатиш;

– фукароларнинг шахсий муаммоларини психологик жиҳатдан ечишга кўмаклашиш;

– муассаса, ташкилотларда ва корхоналарда психологик хизматни ташкил этиш ва уни амалга ошириш;

– психологик хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио махсулотларни экспертиза қилиш;

– ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиш;

– муассаса ва ташкилотларда психологик тадқиқотларини ўтказиш;

– муассаса ва фаолиятини психологик таҳлил қилиш;

– турли психологик хизмат соҳаларида хорижий тажрибаларини жорий қилиш;

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг психологик стратегияларини ишлаб чиқиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

## *2. 5210203-Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- шахс психологиясининг асосий қонуниятлари, тадқиқот тамойиллари ва усулларини билиш;
- шахс, гуруҳ ва жамоа психологик табиатини шартловчи жиҳатлар, ҳолатлар, хусусиятлар ва механизмларни билиш;
- психологик экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш, методикаларини танлаш ва қўллаш малакасига эга бўлиши;
- шахснинг мотивацияси соҳаси, эмоционал-иродавий соҳаси, когнитив соҳасига кўра экспериментларни ташкил эта олиш кўнимасига эга бўлиш;
- психологик тадқиқот методлари ва методикаларини саралаш, уларни татбиқ қилиш ва натижаларини талқин этиш кўникмаларига эга бўлиш;
- психологик текширув ва тадқиқот босқичларини режалаштириш, психодиагностика даражалари бўйича текширув ва тадқиқотни ташкил этиш,

психодиагностика натижалари бўйича хулосалар тайёрлашни билиш;

- психодиагностика методикалари ишлаб чиқиш, мослаштириш ва татбиқ қилиш кўнимасига эга бўлиш;
- психодиагностика методикаларини татбиқ қилиш, натижаларни қайта ишлашда миқдор ҳамда сифат таҳлил усулларини қўллаш кўникмасига эга бўлиш;
- психологик текширув ва тадқиқот натижаларига кўра диагноз қўйиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлиш;
- корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоаларнинг психологик хусусиятларини баҳолаш ва улар социал-психологик тавсифномасини ишлаб чиқишни билиш;
- социал-психологик тренингни ташкил қилиш ва унинг ўтказиш технологиясини татбиқ қилишни билиш;
- психологик тренинг дастурларининг ишлаб чиқиш ва жорий этишни билиши;
- пациент ва клиентларнинг хусусиятига кўра психологик консультация ва психокоррекция тадбирларини ташкил қилишни билиш;
- психологик консультация ва коррекцияни ташкил қилиш ва ўтказиш технологиясини қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш;
- тармоқ ва соҳаларга кўра психологик хизмат йўналишларини белгилаш ва хизмат турини ташкил этиш кўнимасига эга бўлиш;
- фавқулодда вазиятларда эсктремал психологик ёрдам кўрсатиш ташкил қилиш кўнимасига эга бўлиш;
- психология муаммолари доирасида лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- психологик маърифат тадбирларини ташкил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- психологик тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- психологик тадқиқот методлари ва методикалари, психологик тренинг ва консультацияни ташкил этиш технологиялари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш кўникмасига эга бўлиш;
- ижтимоий-иқтисодий соҳа ва маданий-маърифий йўналишларда фаолият олиб борувчи ташкилотларга психологик хизмат кўрсатиш турини тавсия этиш кўнимасига эга бўлиш;

## 3. *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

### 3.1. *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган "Табиий-илмий ва гуманитар фанлар", "Умумкасбий фанлар", "Махсус фанлар", машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

**3.2.** ***5210203-Психология (амалий психология)*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| **Ўқув даврлари** | **Кундузги таълим шакли учун*** | **Кечки таълим шакли учун*** | **Сиртқи шакли таълим учун*** |
|---|---|---|---|
| Назарий ва амалий таълим* | 40-60% | 40-60% | 40-60% |
| *Шу жумладан, мустақил таълим* | - | 15-35% | 25-45% |
| Аттестация | 6-8% | 6-8% | 6-8% |
| Таътил | 10-30% | 10-30% | 10-30% |
| Малакавий амалиёт | 15-30% | 15-30% | 15-30% |
| Битирув малакавий иши | 2-3% | 2-10% | 2-10% |

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**
психика, эволюция, эксперимент, кузатиш, тест, онг, шахс, нсихоанализ, гештальт психология, когнитив психология, ички регуляция, мотив, мотивация, қадриятлар, установка, қизиқишлар, эмоция, ҳиссиёт, ирода, иродавий актлар, сезги, сезги чегараси, сезги қонуниятлари, сезги хусусиятлари, идрок, идрок хусусиятлари, хотира, тафаккур, тафаккур жараёнлари, психодиагностика, метод ва методика, тест, интеллект тести, ақлий тараққиёт, шахслараро муносабат, тренинг, социал-психологик тренинг, дииий эътиқодлар, шахс ҳулқ-атвори, ижтимоий муносабатлар, психосоматика; соматопсихик, психосоматик; практикум, семинар, лаборатория, психологик хизмат, таълим муассасаларида психологик хизмат; психологик тадқиқот маълумотларини қайта ишлар методлари ва технологиялари, ҳуқуқ тартибот идораларида ва ҳарбий соҳада психологик хизмат, тиббий муассаларда психологик хизмат, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда психологик хизмат

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор________________ **А.Марахимов**

202_ йил «__12__» ____08____

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимини ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор________________ **З.Х.Хакимов**

202_ йил «__12__» ____08____

М.Ў.

**Тошкент давлат педагогика университети**

Ректор __________ **А.Ю.Умаров**

202_ йил «__12__» ____08____

М.Ў.

**Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик республика ташхис маркази**

Директор________ **Л.Р.Гайнутдинова**

202_ йил «__14__» ____08____

М.Ў.

**“Clinik Pro” тиббиёт маркази**

Бош врач __________ **М.Г.Мухамедова**

202_ йил «__14__» ____08____

М.Ў.

**Ижодий гурух раиси ва аъзолари**
**Ижодий гурух раиси ва ўринбосари**

| | | |
|---|---|---|
| **Ижодий гурух раиси** | **А.Аскаров** | **Ижтимоий психология фанлар факультети декани** |
| **Ижодий гурух раиси ўринбосари** | **Д.Мухамедова** | **Психолгия кафедраси мудири** |

**Ижодий гурух аъзолари**

| Т/р | Ўқув фанлари (курслар)и нинг номи | Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони |
|---|---|---|
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | |
| 2.01 | Умумий психология | Муллабоева Н.М., психол.ф.н., доцент |
| 2.02 | Экспериментал психология ва практикум | Долимова Н.М., психол.ф.н., доцент |
| 2.03 | Умумий психодиагностика | Муллабоева Н.М., Карамян М.Х., Расулов А.И. психология кафедраси доцентлари |
| 2.04 | Психология тарихи | Ғозиева Ф.Э., PhD |
| 2.05 | Социал психология | Абдусаматов Ҳ.У. PhD |
| 2.06 | Психологик тренинг асослари | Расулов А.И. п.ф.д, доцент |
| 2.07 | Психологик консультация ва психокоррекция | Ильхамова Д.И.-п.ф.н., доцент<br>Рахимова И.И. PhD, доцент |
| 2.08 | Педагогик психология ва психологиянинг ўқитиш методикаси | Муллабоева Н.М., п..ф.н., доцент |
| 2.09 | Клиник психология | Ильхамова Д.И.-п.ф.н., доцент |
| 2.10 | Психологик тадқиқот натижаларини қайта ишлаш методлари ва технологиялари | Карамян М.Х.-п.ф.д., доцент<br>Мавланов М.-п.ф.н., доцент |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | |
| 3.01 | Деструктив хулқ психологияси | Кудратуллаева Р.Б. |
| 3.02 | Касб психологияси | Рухиева Х.А. п.ф.н., проф. |
| 3.03 | Саломатлик психологияси | Кудратуллаева Р.Б.п.ф.н, доце |
| 3.04 | Ёшлар билан гуруҳий ишлаш методлари | Рухиева Х.А. п.ф.н., проф. |
| 3.05 | Ёшлар билан ишлаш психотехнологияси | Мухамедова Д.Г, п.ф.д, проф.<br>Шамсиев У.Б, п.ф.д., доцент |

Илова

*5210203– Психология (амалий психология)* **йўналиши бўйича**

**таълим дастурииинг тузилиши**

| Т/р | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| | **Табиий-илмий ва гуманитар фанлар** | **1020** |
| OMTB205 | Олий математика | **150** |
| UYTB104 | Ўзбекистоннинг энг янги тарихи | **120** |
| FALB204 | Фалсафа | **120** |
| URTB104 | Ўзбек (рус) тили | **120** |
| XJTB106 | Хорижий тил | **180** |
| UTSB203 | Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши | **90** |
| JTSB102 | Жисмоний тарбия ва спорт | **60** |
| RATB206 | Рақамли ва ахборот технологиялари | **180** |
| | **Умумкасбий фанлар** | **3270** |
| UMPB136 | Умумий психология | **960** |
| EKPB114 | Экспериментал психология ва практикум | **540** |
| UPDB206 | Умумий психодиагностика | **180** |
| PITB108 | Психология тарихи | **240** |
| SOPB107 | Социал психология | **210** |
| PTAB306 | Психологик тренинг асослари | **180** |
| PKPB 307 | Психологик консультация ва психокоррекция | **210** |
| UPKB306 | Умумий педагогика | **180** |
| PPPB307 | Педагогик психология ва психологиянинг ўқитиш методикаси | **210** |
| KLPB305 | Клиник психология | **150** |
| PTNB207 | Психологик тадқиқот натижаларини қайта ишлаш методлари ва технологиялари | **210** |
| | **Ихтисослик фанлари** | **1410** |
| TMPB244 | Таълим муассасаларда психологик хизмат | **240** |
| HTIB454 | Меҳнат ва муҳандислик психологияси | **150** |
| EVPB264 | Экстремал вазиятларда психологик хизмат | **150** |
| YRPB376 | Юридик психология | **120** |
| BISB365 | Бошқарув ва ижтимоий соҳаларда психологик хизмат | **150** |
| 3.06. | *Танлов фанлари* | **600** |
| *4.00* | **Қўшимча фанлар** | **480** |
| | **Жами** | **6180** |
| | **Малакавий амалиёт** | **570** |
| | **Якуний давлат аттестацияси** | **450** |
| | **Жами** | **1020** |
| | **Ҳаммаси** | **7200** |

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Ш.Тошматов**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси мажлисининг**
**- сон баённомасидан**

**КЎЧИРМА**

**___ ________ 2020 йил.** **Тошкент шахри**

**Қатнашдилар:** “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмасининг 27 аъзоси, ЎзМУ таянч бўлган таълим йўналишлари ва мутахассислари бўйича кенгаш котиби Ю.Собирхонова.

**Кун тартиби:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди:**

**1. В.Топилдиев – “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси раиси.** Ҳурматли мажлис қатнашчилари, кун тартибидаги масала бўйича сўзни бирлашма раисининг муовини доц. Д.А.Талиповга берсак. Марҳамат.

**2. Д.А.Талипов – “Математика ва табиий фанлар” ўқув услубий бирлашма раисининг муовини, доцент.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида университетда тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қуйидаги 1 та таълим йўналиши бўйича кадрлар истемолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар асосида Малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди:

***Таълим йўналишлари ва мутахассислик:***

1. томонидан 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги Малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқариш ва Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги мутахассислари, кадрлар буюрмачилари Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик республика ташхис маркази ва истеъмолчилари (Про Медикал клиник), турдош ОТМ (ТДПУ) билан келишув баённомаси олинган.

Сизлардан 5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режасини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

**Сўзга чиқдилар:**

1. **Ж.Каримов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи.** Ҳурматли бирлашма аъзолари, профессор-ўқитувчиларимиз ҳалқаро тажрибаларни ўрганиб, уларни таҳлил қилиб, Республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболларини, фан, технология ютуқларини ва кадрлар истеъмолчиларининг талабларини инобатга олиб, 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари ва ва унинг негизидаги 1 та магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишди. 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги ҳозирги кунда жуда долзарб йўналишлар ва мутахассислик бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикаси психологик хизмат масалаларини ташкил этиш бўйича илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ва аҳоли орасида психологик саводхонликни тталаб қилмоқда. Юқоридаги таълим йўналишининг ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаси жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, ҳориж давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига ҳос ҳусусиятлари билан ажралиб туради. Улар олий таълим мутахассисликлари классификаторига мос равишда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, тегишли фанлар бўйича ҳозирги замон талаблари асосидаги талабаларда чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган. Шунинг учун ишлаб чиқилган МТлари ва ўқув режаларини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

2. **Н.Халилова – Тошкент давлат педагогика университети Психология кафедраси мудири.** Ҳурматли бирлашма аъзолари, ЎзМУ профессор-ўқитувчилари томонидан 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари қўйилган талабларни ўзида тўлиғича акс эттирган ва меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради. Улар олий таълим йўналишлари классификаторига мос равишда экологияда замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган. Биз ижодий ишчи гуруҳ аъзоси сифатида иш жараёнида Малака талаблари, ўқув режа ва малака амалиётлар хусусида ўзимизнинг баъзи фикрларни билдирган эдик, улар ҳозирги ўқув режада ўз аксини топган. Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режа замон ва давр талабларига тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун ишлаб чиқилган томонидан 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигибўйича Малака талаблари ва ўқув режасини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

3. **Л.Гайнутдинова – Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик республика ташхис маркази директори.** ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети Психология кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган томонидан 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги МТ ҳамда ўқув режасилари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ва олий таълим талаблари асосида тузилганлигини, уларда республикамизда экология соҳасини ривожлантиришда рўй бераётган чуқур ислоҳотлар тўлалигича ўз аксини топганлигини таъкидлади. МТ ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг тайёрланаётган олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжи, уларнинг билим ва кўникмаларига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, керакли фанларни ўқув режаларига киритилгани ва фанларнинг ўқитиш кетма-кетлиги, ҳажми ва дастурлар мазмуни қўйилган талабларга мослиги айтилди. Шунинг учун муҳокамага қўйилган МТ ҳамда ўқув режаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак, деб ҳисоблайман.

4. **Д.Н.Арзиқулов –Ўзбекситон давлат жисмоний тарьия ва спорт университети "Психология ва педагогика" кафедраси мудири** сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган томонидан 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-

Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг МТ ҳамда ўқув режалари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарори ва ОЎМТВ нинг буйруқлари талабларига мос холда ишлаб чиқилганини таъкидлади. Ўқув режадаги фанлар таркиби ва уларни семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган, илғор хорижий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Корея, Англия, Россия) тажрибалари инобатга олинган, республикадаги турдош ОТМ лари (ГулДУ, ҚарДУ, БухДУ, УрДУ) ҳамда кадрлар истеъмолчилари бўлган ташкилот (ЎҚХЙППРТМ) билан келишилган замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланганлиги, уларда экология соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижда эришилган охирги ютуқлар ва ислоҳотлар инобатга олинганлиги эътироф этилиб, ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режасиларини тасдиқлаш учун тавсия қилинди.

**6. В.Топилдиев - бирлашма раиси, профессор.** Университет профессор-ўқитувчилари томонидан томонидан 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигибўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тайёрланган, уларда Республикамиз экология соҳасида рўй бераётган иқтисодий ислоҳатлар ҳамда ҳалқаро тажрибалар ўз аксини топган деб ўйлайман.

Юқоридаги билдирилган фикрлар ва уларни тақриздан ўтказилганлигини инобатга олиб, қуйидаги МТ ҳамда ўқув режасини ўқув методик бирлашмада кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| | Таълим йўналиши: | Коди |
|---|---|---|
| 1 | **Психология: амалий психология** | 5210203 |
| 2 | **Психология: оила психологияси** | 5210204 |
| 3 | **Психология: ёшлар психологияси** | 5210205 |

**Йиғилиш қарор қилади:**

1. Турдош ОТМ вакиллари, кадрлар истеъмолчилари ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган томонидан 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг Малака талаблари ҳамда ўқув режалари маъқуллансин.

2. Таълим соҳасининг бакалавриатура таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасининг лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМ лари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар, тармоқ илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин.

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинганлиги қайд қилинсин.

4. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш марказига топширилсин.

**Математика ва табиий фанлар**
**ўқув-услубий бирлашма раиси** **В.Топилдиев**

**Ўқув-услубий бирлашма котибаси** **Ю.Собирхонова**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси мажлисининг - сон БАЁНИ**

**“____” ________ 2020 йил.** Тошкент **шаҳри**

**Қатнашдилар:** “Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар” ўқув-услубий бирлашмасининг 17 аъзоси, ЎзМУ таянч бўлган таълим йўналишлари ва мутахассислари бўйича кенгаш котиби С.Умарова.

**Кун тартиби:**

1. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлаитириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Ўзбекистон Миллий университетида хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.**

**Эшитилди:**

1. **Г.Рихсиева. – “Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси раиси.** Ҳурматли мажлис қатнашчилари, кун тартибидаги масала бўйича сўзни бирлашма котиби С.Умаровага берсак. Марҳамат.
2. **Умарова С. – “**Ижтимоий соҳа ва гуманитар фанлар” ўқув услубий бирлашмасининг котиби, доцент. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида университетда тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қуйидаги 11 та таълим йўналишлари ва 12 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар истемолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар асосида Малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чикилди:

Уларга ишлаб чиқариш ва ИТИларининг мутахассислари, кадрлар буюрмачилари ва истеъмолчилари, турдош таълим муассасалари билан келишув баённомалари олинган.

Сизлардан тайёрланган таълим соҳаси давлат таълим стандартлари, 11 та таълим йўналишлари ва 12 та магистратура мутахас-сисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

**Сўзга чиқдилар:**

1. **В.Топилдиев, ЎзМУ ўқув бўлими бошлиги:** университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча такомиллаштирилган малака талаблари ҳамда ўқув режалари қўйилган талабларни ўзида тўлиғинча акс эттирган ва меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради.

Улар олий таълим мутахассисликлари классификаторига мос Со[illegible] сихология соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, мазкур[illegible] чукур билим ҳамда амалий кўникмаларни бажаришга мўлжалланган. Шунин[illegible]

чиқилган таълим соҳаси давлат таълим стандарти, барча малака талаблари ва ўқув режаларини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман. ,

**Кафедра мудирлари Д.Мухамедова, Н.Халилова, Д.Арзиқулов, З.Қосимовалар** ҳам сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган такомиллаштирилган малака талаблари ҳамда ўқув режалари замонавий талаблар асосида, яъни хорижий таълим муассасалари тажрибалари ва кадрлар истеъмолчиларининг талабларига таяниб тайёрланган, уларда Психологиянинг барча сохаларидаги ислоҳотлар инобатга олингани деб таъкидладилар.

**В.Топилдиев- Ижтимоий фанлар факультети профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча** такомиллаштирилган малака талаблари ҳамда ўқув режалари таълим талаблари асосида тузилган, уларда республикамизда Психологиянинг барча соҳаларини ривожлантиришда рўй бераётган ислоҳотлар тўлиғинча ўз аксини топган деб ўйлайман.

Шунинг учун муҳокамага қўйилган барча малака талаблари ҳамда ўқув режаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак деб ҳисоблайман.

Шунинг учун муҳокамага қўйилган барча малака талаблари ҳамда ўқув режаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги такомиллаштирилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини Психология тармоқлари бўйича ўқув методик бирлашмасида кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Таълим соҳаси** | |
| | **Социология ва психология** | **210000** |
| **2.** | **Таълим йўналиши:** | |
| 1.1. | Психология ( амалий психология) | **5210203** |
| 1.2 | Психология ( оила психологияси) | **5210204** |
| 1.3 | Психология ( ёшлар психологияси) | **5210205** |
| **2.** | **Мутахассислик:** | **5А210201** |
| 2.1 | Психология (фаолият турлари бўйича) | |

## ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Турдош ОТМ вакиллари ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган Ижодий гуруҳлар томонидан қайта ишлаб чиқилган 210000-Социология ва психология таълим оҳаси давлат таълим стандарти, 5210203-Психология (амалий психология), 5210204-Психология (оила психологияси), 5210205-Психология (ёшлар психологияси) бакалавриат таълим йўналиши ва уларнинг негизидаги 1 та магистратура мутахассислигининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари талаблар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМ ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар экспертизадан ўтказилган (“Келишув баённомалари”, “Келишув далолатномалари” ҳамда мутахассислар “Тақризлари” билан расмийлаштирилган ва малака талабларига илова этилган).

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талаблари ва ўқув режалариниининг охирги лойиҳаларини ишлаб чиқишда инобатга олинган.

3. Ишлаб чиқилган таълим соҳаси давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

**Ўқув-услубий бирлашма раиси** **Г.Рихсие**

**Котиба:** **С.Умаро**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 5210203-Психология: амалий психология, 5210204-Психология: оила психологияси, 5210205-Психология: ёшлар психологияси таълим йўналишлари малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

# КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. “___” __________2020 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар - Ўзбекистон Миллий университети ректори проф. А.Р.Марахимов, Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш психологик-педагогик ташхис республика ташхис маркази директори Л.Р.Гайнутдинова, Clinlik Pro тиббиёт маркази бош шифокори М.Г.Мухамедова, Тошкент давлат педагогика университети ректори А.Ю.Умаров, билан биргаликда ЎзМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. **5210203-Психология: амалий психология**
2. **5210204-Психология: оила психологияси.**
3. **5210205-Психология: ёшлар психологияси бакалавриат таълим йўналишлари.**

Малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровлиислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари хамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор** | **А.Р. Марахимов** |
| **Тошкент давлат педагогика университети** | **А.Ю. Умаров** |
| **Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш психологик-педагогик ташхис республика ташхис маркази директори** | **Л.Р. Гайнутдинова** |
| **Clinik Pro тиббиёт маркази бош шифокори** | **М.Г.Мухамедова** |

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассисилиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

| Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавр мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари |
|---|---|---|
| **шифри** | **номи** | |
| **5210203** | **Психология: амалий психология** | – давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисоди[й] муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;<br>– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятин[и] тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимлар[га] эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;<br>– ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларн[и] йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиш[и,] фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;<br>– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳна[т] фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;<br>– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга э[га] бўлиш.<br>– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касби[й] фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;<br>– шахс психологиясининг асосий қонуниятлари, тадқиқот тамойиллари [ва] усулларини билиш;<br>– шахс, гуруҳ ва жамоа психологик табиатини шартловчи жиҳатлар, ҳолатла[р,] хусусиятлар ва механизмларни билиш;<br>– психологик экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш, методикаларини танлаш [ва] қўллаш малакасига эга бўлиши;<br>– шахснинг мотивацияси соҳаси, эмоционал-иродавий соҳаси, когнитив соҳаси[га] кўра экспериментларни ташкил эта олиш кўнимасига эга бўлиш;<br>– психологик тадқиқот методлари ва методикаларини саралаш, уларни татбиқ қили[ш] ва натижаларини талқин этиш кўникмаларига эга бўлиш;<br>– психологик текширув ва тадқиқот босқичларини режалаштири[ш,] психодиагностика даражалари бўйича текширув ва тадқиқотни ташкил эти[ш,] психодиагностика натижалари бўйича хулосалар тайёрлашни билиш;<br>– психодиагностика методикалари ишлаб чиқиш, мослаштириш ва татбиқ қили[ш] кўнимасига эга бўлиш;<br>– психодиагностика методикаларини татбиқ қилиш, натижаларни қайта ишлаш[,] миқдор ҳамда сифат таҳлил усулларини қўллаш кўникмасига эга бўлиш;<br>– психологик текширув ва тадқиқот натижаларига кўра диагноз қўйиш ва тавсия[лар] ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлиш;<br>– корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоаларнинг психологик хусусиятлари[ни] баҳолаш ва улар социал-психологик тавсифномасини ишлаб чиқишни билиш;<br>– социал-психологик тренингни ташкил қилиш ва унинг ўтказиш технологиясин[и] татбиқ қилишни билиш;<br>– психологик тренинг дастурларининг ишлаб чиқиш ва жорий этишни билиши;<br>– пациент ва клиентларнинг хусусиятига кўра психологик консультация [ва] психокоррекция тадбирларини ташкил қилишни билиш;<br>– психологик консультация ва коррекцияни ташкил қилиш ва ўтказ[иш] технологиясини қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш;<br>– тармоқ ва соҳаларга кўра психологик хизмат йўналишларини белгилаш ва хиз[мат] турини ташкил этиш кўнимасига эга бўлиш;<br>– фавқулодда вазиятларда эктремал психологик ёрдам кўрсатиш ташкил қил[иш] кўнимасига эга бўлиш;<br>– психология муаммолари доирасида лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномала[р] шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштир[иш] кўникмаларига эга бўлиш;<br>– психологик маърифат тадбирларини ташкил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;<br>– психологик тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;<br>– психологик тадқиқот методлари ва методикалари, психологик тренинг[,] консультацияни ташкил этиш технологиялари бўйича маълумотлар базас[ини] шакллантириш кўникмасига эга бўлиш;<br>– ижтимоий-иқтисодий соҳа ва маданий-маърифий йўналишларда фаолият о[либ] борувчи ташкилотларга психологик хизмат кўрсатиш турини тавсия этиш кўнимасига [эга] бўлиш; |

**Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик республика ташхис маркази директори** **Л.Р.Гайнутдинова**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети *5210203-Психология (амалий психология), 5210204-Психология (оила психологияси), 5210205-Психология (ёшлар психологияси)* бакалавриат таълим йўналиши негизидаги *5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича )* магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланган малака талабларига**

ТАҚРИЗ

*5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича )* магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланган малака талаблари олий таълим тизимининг ҳозирги замонавий талабларига тўлиқ жавоб беради. Ўзбекистонда мазкур мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

*5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича )* магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган малакавий талаблари намунавий ўқув режадаги кўрсатилган фанлар бўлажак магистрларнинг бакалавриат босқичида олган билимларининг бевосита давоми сифатида, уларни мустаҳкамлашга ва малакали мутахассис бўлиб етишишларига кўмак беради.

Ушбу малака талабларида мутахассисликнинг хусусиятидан келиб чиқиб илмий - педагогик, илмий ва илмий - тадқиқот, ташкилий - бошқарув ва меъёрий - методик фаолияти соҳалари бўйича бўлажак магистрларнинг малакавий талаблари тўғри ёритилган. Шунингдек, танлов фанларига ҳам алоҳида эътибор берилган ҳолда, уларга ажратилган соатлар хажми мамлакатимизнинг бошқа турдош олий ўқув юртлари хусусиятларини ҳам ҳисобга олганлигидан далолат беради.

Мазкур мутахассисликнинг малака талабларида магистрлар билишлари лозим бўлган билимлар, эгаллашлари керак бўлган кўникма ва малакалар ҳар бир мутахассислик ва ўқув режадан ўрин олган фанлар нуқтаи - назаридан келиб чиқиб келтирилган. Унда ҳозирги замон юқори малакали кадрларига бўлган талаблар инобатга олинган.

Ўзбекистон Миллий университетида *5210203-Психология (амалий психология), 5210204-Психология (оила психологияси), 5210205-Психология (ёшлар психологияси)* бакалавриат таълим йўналиши *5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича )* магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланган малака талаблари ва намунавий ўқув режаси ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради ва уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин.

**Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик республика ташхис маркази директори** **Л.Гайнутдинова**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети *5210203-Психология (амалий психология), 5210204-Психология (оила психологияси), 5210205-Психология (ёшлар психологияси)* бакалавриат таълим йўналиши *5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича )* магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланган малака талабларига**

## ТАҚРИЗ

*5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича )* магистратура мутахассислигининг малака талаблари мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг мукаммал ва чукур ўзлаштиришига қаратилган бўлиб, таълим соҳасининг магистратура мутахассисликлари бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини хисобга олган ҳолда тайёрланган.

*5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича)* магистратура мутахассислигининг малака талаблари таркиби куйидаги бўлимлардан иборат: Экология магистратура мутахассислигининг малака талабларининг қўлланиш соҳаси; мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг тасифи; магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар; мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари; ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талабалар; илмий фаолиятга қўйиладиган талаблар; магистратура мутахассислиги ўкув режасидаги юклама ҳажми; малака талабларининг амал килиш муддати.

*5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича)* магистратура мутахассислигининг малака талаблари мамалакатимиз ва чет элларда хосил килинган илгор тажрибаларни инобатга олган ҳолда тайёрланган. Малакавий талаблари магистратуранинг мутахассисликка оид янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ва илмий тадкикот лойиҳаларини ўрганиш, уларни таҳлил килиш ва интернет тармоғида энг яхши ва янги илмий ва технологик ютуклар хақидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳамда янги илмий лойиҳаларни ишлаб чиқишга қаратилган.

*5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича)* магистратура мутахассислигининг малака талаблари магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фанлар дастурлари *5210203-Психология (амалий психология), 5210204-Психология (оила психологияси), 5210205-Психология (ёшлар психологияси)* бакалавриат таълим йўналишининг ўкув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик ҳолда боғлик равишда ишлаб чиқилган бўлиб, биология мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастурини амалга ошириш талабларига тўлик жавоб беради, мазкур *5А210201 -Психология (фаолият турлари бўйича)* магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва намунавий ўкув режасини тасдиклашга тавсия этиш мумкин.

**"Clinic Pro" тиббиёт маркази бош шифокори** **проф. М.Мухамедова**

**5210204-Психология: оила психологияси бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби ишлаб чиқилишига**

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5210203-Психология: амалий психология бакалавриат таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори;

Ўзбекистон Републикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сон Қарори.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим одувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабининг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

5210204-Психология: оила психологияси бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жахон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

**Ўзбекистон Миллий университети**
**Ўқув ишлари проректори** **Ш.Тошматов**

**52102003-Психология (амалий психология), 5210204-Психология (оила психологияси), 5210205-Психология (ёшлар психологияси) бакалавриат таълим йўналишлари малака талабларини халқаро тажрибалар билан қиёсий таққослаш тўгрисидаги таҳлилий маълумотлар**

Европа ва АҚШ таълим системаси кредит тизимига асосланган, ҳар бир фан бўйича белгиланган кредит бали мавжуд 1 кредитдан 4 кредит баллгача.

Талаба ҳохлаган вақтда ушбу фан ўқитувчи томонидан ўтилаётганига қараб дарсга қатнашиши мумкин. Белгиланган дарс соати тугагач ўрнатилган тартибда имтиҳон топшириб белгиланган кредит баллини олади. Кейинчалик ана шу кредит баллари етарли бўлса 3,5 йилдан 5-6 йилгача муддатда бакалавр йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиши мумкин.

Психология бакалавриат таълим йўналишилари ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикаси балки бошқа Европа, Америка, Осиё, МДҲ давлатлари ижтимоий-иқтисодий, маданий, социал муносабатлар тизимида ҳам доимий изланишни, таҳлил қилишни ва ривожлантиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, давлатимизда 52102003-Психология (амалий психология), 5210204-Психология (оила психологияси), 5210205-Психология (ёшлар психологияси) бакалавриат таълим йўналишлари яратилаётган таълим йўналишининг малака талаби жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Психология таълим йўналишилари бўйича малака талаблари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея Республикаси давлатлари малака талаблари билан таққосланган ҳолда тузилди.

**Ўқув ишларп бўйича проректор** **Ш.Тошматов**

## 5210203-Психология (амалий психология) бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талабининг халқаро микёсидаги бошқа таълим йўналишлари малака талаблари билан қиёсий таққослаш

### бакалавриат таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриат) | University of Cambridge (бакалавриат) | Россия (бакалавриат) | Манхайм университети (Германия) (бакалавриат) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бошланиши | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан сўнг | Ўрта мактабдан сўнг | Ўрта ва касб-ҳунар таълимидан сўнг | Ўрта мактабдан сўнг |
| 2. | Давомийлиги | 4 йил | 3 йил | 4 йил | 3-3,5 йил |
| 3. | Таълим олувчилар сони | 35-40 нафаргача | 40-50 нафаргача | 40-50- нафаргача | 40 нафаргача |
| 4. | Ўтиш жойлари | Университетда, ўрта махсус, касб – ҳунар таълими муассасалари, реабилитация ва ташхис марказларида | Университетда, бакалавриат ўқув дастурига мувофиқ ташкилотларнинг соҳавий йўналишига кўра | Университетда, бакалавриат ўқув дастурига мувофиқ ташкилотларнинг соҳавий йўналишига кўра | Университетда, бакалавриат ўқув дастурига мувофиқ ташкилотларнинг соҳавий йўналишига кўра |
| 5. | Таълим берувчилар | Психология магистри, фанлари номзоди ва докторлари, доцентлар ва профессор | Университетнинг профессор-ўқитувчилари | Психология фанлари номзоди ва докторлари, доцентлар ва профессор | Университетнинг профессор-ўқитувчилари |
| 6. | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: университети ўқув бўлими- деканат-кафедра ва бевосита таълим берувчи ўқитувчи-бакалавр . | Ушбу бакалавриат бўйича таълим дастури директори, университетнинг психология бўлими ёки факультети | Университети ўқув бўлими-деканат-кафедра ва бевосита таълим берувчи ўқитувчи-бакалавр . | Бакалавриат таълим дастури раҳбари, магистрлик диссертацияси раҳбари, бўлим раҳбарияти |

## Бакалавриат таълим жараёинг таркиби

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриат) | University of Cambridge (бакалавриат) | Россия (бакалавриат) | Манхайм университети (Германия) (бакалавриат) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Назарий таълим | Маъруза ва семинар машғулотлари кўринишида университетининг ўқув аудиторияларида ҳамда қисман малакавий амалиёт ўтилаётган муассасаларда ўтказилади | Университетининг ўқув базасида семинар дарслари ва кичик конференциялар кўринишида ўтказилади | Маъруза ва семинар машғулотлари кўринишида университетининг ўқув аудиторияларида ҳамда қисман малакавий амалиёт ўтилаётган муассасаларда ўтказилади | Университетининг ўқув базасида семинар дарслари ва кичик конференциялар кўринишида ўтказилади |
| 2. | Амалий таълим | Ўқув дастурида белгиланган ўқув лабораториясида оширилади.амалга оширилади | Ўқув дастурида кўрсатилган фанлар бўйича ажратилган лабораторияларда | Университет қошидаги психологик лаборатория ва марказларда | Ўқув дастурида кўрсатилган фанлар бўйича ажратилган лабораторияларда |
| 3. | Илмий – тадқиқот ишлари | Таълимнинг дастлабки уч йилида битирув малакавий иши курс ишлари тарзда назарий маълумотлар тўпланади ва тўртинчи босқичда эса битирув малакавий иш сифатида шакллантирилади. Битирув иши бўйича илмий мақола ва тезислар билан анжуманларда иштирок этади. Илмий раҳбар сифатида кафедра-профессор-ўқитувчилар иш олиб борадилар | Бакалавриатура ўқиш жараёнида илмий иш мавзуси курс ишлари тарзда бажарилади. Лаборатория ва тажриба-синов майдонларида амалга оширилади. | Таълимнинг дастлабки уч йилида битирув малакавий иши курс ишлари тарзда назарий маълумотлар тўпланади ва тўртинчи босқичда эса битирув малакавий иш сифатида шакллантирилади. Битирув иши бўйича илмий мақола ва тезислар билан анжуманларда иштирок этади. Илмий раҳбар сифатида кафедра-профессор-ўқитувчилар иш олиб борадилар | Бакалавриатура ўқиш жараёнида илмий иш мавзуси курс ишлари тарзда бажарилади Лаборатория ва тажриба синов майдонларида амалга оширилади. |
| 4. | Мустақил таълим | Ўқув режаси ва ишчи ўқув дастурида белгиланган машғулот соатлари ҳамда таълимни ташкил этиш талаблари асосида семинар ҳамда лаборатория машғулотларига мувофиқ амалга оширилади. | | Талабалар университет қошидаги тиббиёт кафедраларида оилавий тиббиётга мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. | |
| 5. | Таълим жараёнида баҳолаш | Бакаларларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриатуранинг рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон ёзма иш кўринишида бажарилади. | Бакалаврнинг кредит тизими асосида баҳоланади. Назорат турлари ёзма, оғзаки, тест кўринишларида | Бакаларларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриатуранинг рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон ёзма иш кўринишида бажарилади. | Бакалаврнинг кредит тизими асосида баҳоланади. Назорат турлари ёзма, оғзаки, тест кўринишларида |

## ЎзМУда кредить-модул тизими асосида ишлаб чиқилган ўқув режанинг хорижий мамлакатлар етакчи ОЎЮлари ўқув режалари билан қиёсий таҳлили

**Таълим йўналиши: 521203– Психология (амалий психология)**

| № | ЎзМУ | | Шу фаннинг хорижий ОТМларда номланиши ва ажратилган соат | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Фан номи | Умумий соат | Россия (МДУ) 4 йиллик | | Европа Мюнхенский университет (Германия) ( Ludwig-Maximilians-Universität München ) Рейтинги:66 Ўқув йили: 3 йил | | Осиё Сеул Миллий университети Seoul National University (S.Korea) Рейтинги: 36 Ўқув йили: 4 йил | |
| | | | Фан номи | Умумий соат | Фан номи | Умумий соат | Фан номи | Умумий соат |
| | **Асосий фанлар** | | | | | | | |
| 1. | Мутахассисликка кириш | 180 | Введение в психологию | 108 | Einführung in das Studium der Psychologie | 12 | | |
| 2. | Умумий психология 1<br>Умумий психология 2<br>Умумий психология 3<br>Умумий психология 4 | 630 | 1.Психология личности;<br>2.Психология мотивация и эмоция;<br>3.Психология ощущения и восприятия;<br>4. Психология внимания и памяти; | **576**<br>144<br>108<br>108<br>108 | Allgemeine Psychologie I | 12 | 1.Psychology: Understanding of Human Mind<br>2.Psychology of Personality<br>3.Psychology of Emotion<br>4.Perceptual Self & Action | 3-3-3<br>3-3-0<br>3-3-0 |
| 3. | Экспериментал психология ва практикум 1<br>Экспериментал психология ва практикум 2 | 330 | Экспериментальная психология | 108 | Empirisch-psychologisches 1<br>Empirisch-psychologisches Praktikum 2 | 9 | 1.Applied Experimental Psychology<br>2.Psychology of Perception and Lab. | 3-2-2<br>3-3-0 |
| 4. | Психология тарихи | 120 | История психология | 108 | | | | |
| 5. | Ривожланиш психологияси | 300 | Психология развития и возрастная психология | 144 | Entwicklungspsychologie | 6 | Developmental Psychology | 3-3-2 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Умумий психодиагностика | 240 | Общая Психодиагностика | 144 | Diagnostik | 6 | Psychometrics and Psychological Testing | 3-3-2 |
| 7. | Социал-психологик тренинг | 270 | Социал-психологический тренинг | 144 | Sozial-psychologisches Training | 9 | Sosial-psychological training | 3-3-0 |
| 8. | Социал психология | 270 | Социальная психология | 144 | | 9 | Social Psychology | 3-3-0 |
| 9. | Психологик маълумотларни қайта ишлаш методлари ва технологиялари | 120 | Методы и технологии обработки психологических данных | 108 | Psychological Statistics | 6 | Psychological Statistics | 3-3-2 |
| 10. | Консультатив психология ва психокоррекция | 180 | Основы консультативной психологии | 72 | Differentielle und Persön-lichkeitspsychologie | 6 | Counseling Psychology | 3-3-0 |
| 11. | Педагогик психология ва психологияни ўқитиш методикси | 120 | Педагогическая психология и методика преподавания психологии | 206 | Basiskompetenzen | 9 | | |
| 12. | Социология | 120 | Социология | 72 | Sozialpsychologie | 6 | | |
| 13. | Умумий педагогика | 120 | Педагогика | 72 | Praktikum II | 9 | | |

**Изох:** * ва номалари курси тарзда келтирилган фанлар ўқув режалар бўйича фарқ қиладиган фанлар.

ЎзМУда кредить-модул тизими асосида *521203– Психология (амалий психология)* таълим йўналишининг ишлаб чиқилган ўқув режасининг хорижий мамлакатлар етакчи ОЎЮлари
ўқув режалари билан қиёсий таҳлилини амалга оширишда Москва давлат университети (Россия), Мюнхенский университет (Германия) ва Сеул Миллий университети (Корея) таълим
муассасаларинг “Психология” таълим йўналишларининг ўқув режалари (кредит) тизимига асосланган. Ушбу ўринда ЎзМУда ишлаб чиқилган ўқув режадаги фанларнинг асосий мослиги
кўпроқ МДУ ўқув режаси билан тўғри келади. ЎзМУ томонидан ишлаб чиқилган ўқув режада 30 соат кредит 1 кредит бирлиги сифатида олинганлиги сабабли бир семестрда 30 ва бир ўқув
йилида эса 60 кредитни қамраб олиши ҳамда 4 йилда эса 240 кредитни ташкил қилиши кўзда тутилган. Бу жиҳати билан ҳам МДУ ўқув режасига мос келади (240 кредит). Мюхен
университети ва Сеул Миллий университетларида ҳам ўқув жараёни кредит-модул тизимига асосланган. Мазкур таълим муассасалари “Психология” таълим йўналишларининг модуллари
бўйича вақт бирлиги соатлар бўйича эмас, балки кредит тарзда тақдим қилинган. Ўқув предметлари эса нисбатан мос келади. Шунингдек, Мюхен университетида ECTS бўйича 1 балл 30
соатга тнг бўлар экан. Бу жиҳатдан ЎзМУ кредит тизимига мо келади. 165 ECTS кўрсаткичини соатга айлантирганда 4950 соатни ташкил қилди.

Сеул Миллий университетидаги ўқув режадаги фанларда ҳам мослик мавжуд. Аммо таълим муассасасининг ўқув соатларини ўзи ҳам кредит билан юритилар экан. Шу боис. Ўқув
режада келтирилган кредит тизимига кўра 4 йилга 176 кредит тўғри келмоқда. СМУ ўқув режасидаги изоҳга кўра бакалавр камида 130 кредит, шу жумладан умумий курсларда 36 ва ундан
кўп кредит эга бўлиши керак экан. Бакалавр дастурини тугатиш учун талаб қилинадиган асосий курсларда 39 ёки ундан кўп кредит тўплаши керакдир. Асосий курсларда 60 ва ундан кўп
кредитлар бўлиши кўзда тутилган. Агар СМУ ўқув режасидаги кредитни, яъни 176 ни 30 соат бўйича ҳисоблаганда, жами 5280 соатга тенг вақт меъёри келиб чиқмоқда. Бу фақат ўқув
фанлари бўйича. Амалиёт ва бошқа таълим жараёни компонентлари бунга киритилмаган.

***5210203 –Психология (амалий психология)*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув жараёни жадвали ва ўқув режасининг 2019 йилда тасдиқланган ўқув режаси билан 2020 йилда яратилган ўқув режасининг қиёсий-солиштирма жадвали**

**2019 йилдаги ўқув режа бўйича**

## I.ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Мирзо Улуғбек номидаги**
**.Ўзбекистон Миллий**
**университети ректори**
**______________ А.Марахимов**
**201__йил «__»________**
**м.ў.**

**ЎҚУВ РЕЖА**
**Таълим йўналиши:**
***5210203 – Психология***
***(амалий психология)***

**Академик даража - БАКАЛАВР**
**Ўқиш муддати - 4 йил**
**Таълим шакли - кундузги**

**“КЕЛИШИЛДИ”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим**
**вазири**
**_______________И.Маджидов**
**201_ йил «__»________**
**м.ў.**

## I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Ўқув жараёни ҳафталари сони | | | | | Таътил ҳафталари сони | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | шундан | | | | | |
| | Сентябрь | | | | Октябрь | | | | | Ноябрь | | | | Декабрь | | | | Январь | | | | | Февраль | | | | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | | Июль | | | | Август | | | | Жами | Назарий таълим | Аттестациялар | Малакавий ва педагогик амалиёт | Якуний давлат аттестацияси | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | М | М | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 34 | 6 | 2 | | 10 | 52 |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | М | М | М | М | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 32 | 6 | 4 | | 10 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | М | М | М | М | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 42 | 32 | 6 | 4 | | 10 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | | | | | | | | | А | А | М | М | М | М | М | М | М | Я | Я | Я | Я | Я | Я | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 16 | 4 | 16 | 6 | 6 | 48 |
| IV | П | П | П | П | П | П | П | П | П | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | 168 | 114 | 22 | 26 | 6 | 36 | 204 |

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Назарий ва амалий таълим | М | Малакавий амалиёт | П | Педагогик амалиёт | А | Аттестациялар | Я | Якуний давлат аттестацияси | Т | Таътил |

## 2020 йилдаги ўқув режа бўйича

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори

__________ А.Марахимов

2020 йил «____» _______

**ЎҚУВ РЕЖА**

Таълим йўналиши: *5210203 – Психология (амалий психология)*

Академик даража – БАКАЛАВР
Ўқиш шакли – кредит тизими
Таълим шакли – кундузги

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири

__________ И.Мажидов

2020 йил «____» _______

**I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ**

Ҳафталар

| Курс | Сентябрь | | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | | Январь | | | | | Февраль | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | А | А | А | А | | | | | |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | А | А | | | | | |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | А | А | | | | | |
| IV | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | А | А | П | П | П | П | П |

| Курс | Февраль | Март | | | | | Апрель | | | | Май | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | Ўқув жараёни жадвали: Жами | Назарий таълим | Аттестациялар | Малакавий амалиёт | Якуний давлат аттестацияси | Таътил ва байрам кунлари | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | М | М | А | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 40 | 30 | 6 | 2 | | 12 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | М | М | А | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 40 | 30 | 8 | 2 | | 12 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | М | М | А | А | А | А | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 40 | 30 | 6 | 2 | | 12 | 52 |
| IV | П | П | П | М | М | М | М | М | М | М | Я | Я | Я | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | | | | | 37 | 15 | 4 | 15 | 3 | 11 | 48 |
| Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 157 | 105 | 20 | 21 | 3 | 47 | 204 |

| | Назарий таълим | А | Аттестациялар | М | Малакавий амалиёт | Я | Якуний давлат аттестацияси | Т | Таътил, шанбалик режаси шакллантириш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

## II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

| Т/р | Ўқув фанлари, блок ва фаолият турларининг номлари | 2019 йилдаги ўқув режа бўйича Юклама ҳажми, соат ва % да: Умумий | % | Аудитория | Ўқув фанлари, блок ва фаолият турларининг номлари | 2020 йил ўқув режаси бўйича Юклама ҳажми, соат ва % да: Умумий | % | Аудитория | Аудитория юкламаси фарқи +/- | Изоҳ* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.00 | Гуманитар ва табиий-илмий фанлар | 1538 | 25 | 821 | Гуманитар ва табиий-илмий фанлар | 1410 | 22,8 | 630 | 191- | |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 | | 51 | Ўзбекистоннинг энг янги тарихи | 120 | | 60 | 9+ | Фан янги ном билан қўлланилди |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 | | 51 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 | | 68 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 | | 34 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 | | 85 |
| 1.06 | Хорижий тил | 384 | | 200 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 | | 68 |
| 1.08 | Олий математика | 136 | | 68 |
| 1.09 | Психологлар учун информатика | 136 | | 68 |
| 1.10 | Олий нерв фаолияти ва марказий нерв системаси физиологияси | 68 | | 34 |
| 1.11 | Социология | 120 | | 60 |
| 1.12 | Ёш физиологияси ва гигиена | 68 | | 34 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3079** | **50** | **1539** |
| 2.01 | Мутахассисликка кириш | 68 | | 34 |
| 2.02 | Умумий психология | 947 | | 473 |
| 2.03 | Экспериментал психология ва практикум | 648 | | 324 |
| 2.04 | Умумий психодиагностика | 204 | | 102 |
| 2.05 | Социал психология | 472 | | 236 |
| 2.06 | Индивидуал ва гуруҳий консультация | 324 | | 162 |
| 2.07 | Тараққиёт психологияи | 120 | | 60 |
| | Педагогик психология ва психологияни ўқитиш методикаси | 120 | | 60 |
| 2.08 | Меҳнат ва муҳандислик психологияси | 64 | | 32 |
| 2.09 | Умумий педагогика | 136 | | 68 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Фан ўқув режасига киритилмади |
| Фалсафа | 180 | | 90 | 22+ | |
| Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши | 90 | | 30 | 4- | Янги фан киритилди |
| Ўзбек (рус) тили | 180 | | 90 | 5+ | |
| Хорижий тил | 240 | | 120 | 80- | |
| Жисмоний тарбия ва спорт | 120 | | 60 | 8- | |
| Математика (Ижтимоий соҳа учун) | 150 | | 60 | 8- | Фанинг номи соҳага мослаштирилди |
| Психологик маълумотларни қайта ишлаш методлари ва технологиялари | 180 | | 60 | 8- | Янги фан киритилди |
| Олий асаб фаолияти ва марказий асаб тизими физиологияси | 150 | | 60 | 26+ | |
| | | | | | Фан ўқув режасига киритилмади |
| | | | | | Фан ўқув режасига киритилмади |
| **Умумкасбий фанлар** | 3090 | 50 | 1320 | 219- | |
| Мутахассисликка кириш | 120 | | 30 | 4- | |
| Умумий психология | 630 | | 300 | 173- | |
| Экспериментал психология | 390 | | 150 | 174- | |
| Умумий психодиагностика | 180 | | 90 | 12- | |
| Социал психология | 210 | | 90 | 146- | |
| Социал психологик тренинг | 210 | | 90 | 18+ | Фан янги ном билан киритилди |
| Психологик консультация ва психокоррекция | 210 | | 90 | | Фан янги ном билан киритилди |
| Педагогик психология ва психология ўқитиш методикаси | 150 | | 60 | | |
| Меҳнат ва муҳандислик психологияси | 150 | | 60 | 28+ | |
| Умумий педагогика | 150 | | 60 | 8- | |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2.10 | *Танлов фанлари* | 96 | | 48 | Психология тарихи | **210** | | 90 | 90+ | |
| | | | | | Ривожланиш психологияси | **210** | | 90 | | **Янги фан киритилди** |
| | | | | | Касб психологияси | **150** | | 60 | 60+ | **Янги фан киритилди** |
| 3.00 | Ихтисослик фанлари | 1144 | 19 | 576 | **Ихтисослик фанлари** | **1440** | **23,** | **660** | 84+ | **Янги фан киритилди** |
| 3.01 | Таълим муассасаларда психологик хизмат | 120 | | *60* | Таълим муассасаларда психологик хизмат | **120** | | 60 | | |
| 3.02 | Психологик тадқиқот маълумотларини қайта ишлар методлари ва технологиялари | 256 | | 128 | Экстремал вазиятларда психологик хизмат | **180** | | 90 | **38-** | |
| 3.03 | Ҳуқуқ тартибот идораларида ва ҳарбий соҳада психологик хизмат | 66 | | 32 | Ҳуқуқ тартибот идоралари ва ҳарбий соҳада психологик хизмат | **150** | | 60 | 28+ | |
| 3.04 | Тиббий муассаларда психологик хизмат | 62 | | *32* | | | | | | |
| 3.05 | Бошқарув ва ижтимоий соҳаларда психологик хизмат | 62 | | *32* | Бошқарув ва ижтимоий соҳаларда психологик хизмат | **180** | | 60 | 28+ | |
| 3.06 | Юридик психология | 94 | | *48* | Юридик психология | **210** | | 90 | 42+ | |
| 3.07 | *Танлов фанлари* | 484 | | *244* | *Танлов фанлари* | **600** | | 300 | 56+ | |
| 4.00 | Қўшимча фанлар | 395 | 6 | 192 | **Қўшимча фанлар** | **240** | **3,9** | **120** | | |
| | Жами | 6156 | 100 | 3128 | Жами | **6180** | **100** | **2730** | **398-** | |

*2020-2021 ўқув йилида кредит-модул тизимига ўтиш муносабати билан 5210203- Психология (амалий психологияси) таълим йўналишининг ўқув режаси халқаро ва маҳаллий тажрибалар асосида қайта кўриб чиқилди. Таълим йўналишининг 2019 йил ва 2020 йилларда тайёрланган шакллари ўртасида ҳам мазмунан, ҳам шакллан ўзгаришлар мавжуд эди. Шунга кўра Гуманитар ва табиий-илмий фанлар ва Умумкасбий фанлар, ихтисослик фанлари бўйича ҳам маълум ўзгаришлар кузатилди. Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокида эски шаклда 11 та фан бўлган бўлса, янги шаклда уларнинг миқдори 9 тани шакл этди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи,, Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши, Психологик маълумотларни қайта ишлаш методлари ва технологиялари, Математика (Ижтимоий соҳа учун) каби фанлар киритилди ҳамда янги ном билан аталган фанлар ҳисобланади. Социология ва Ёш физиологияси ва гигиенаси фанлари блокдаги фанларнинг миқдорий чекланиши туфайли ўқув режага киритилмади.

Умумкасбий фанлар блоки бўйича ҳам фанлар миқдори, мазмунига ҳам айрим ўзгартиришлар киритилди. Бирични навбатда фанлар мутахасссисларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда келажакадаги фаолияти учун зарур ҳамда бугунги кунда жамият эҳтиёжларига хизмат қиладиган фанлар киритилди. Уларнинг айримларининг номлари ўзгартирилган ҳолда ҳамда амалий аҳамиятини ҳисобга олиб ўқув режага киритилди: Ривожланиш психологияси, Социал психологик тренинг, Консультатив психология ва психокоррекция, Касб психологияси Ихтисослик фанлар блокида олдинги фанлар таълим йўналишида энди жорий этилаётганлиги сабабли асл ҳолида қолдирилди. Шунингдек, таълим жараёнида талабаларнинг мустақил ишлашлари учун мустақил таълим соатлари кредит ҳисобидан кўпатирилди. Ҳафталик ацдитория юкламаси эса 26 соатни ташкил этилиши ҳамда сессия эса 15 ҳафталик ўқув жараёни сифатида барча курсларда бир хиллиги таъминланди. Амалиётларнинг изчиллиги ва талабаларнинг фаолият касбмй тайёргарлигини оптималлаштирилган ҳолда муддатлари белгиланди. Танлов фанларнинг улуши ҳам касбий фаолият хусусиятларидан кедиб чиқиб белгиланган.

**ЎзМУ Ўқув ишлари бўйича проректор** **Ш.Тошматов**